43 (373)
2003 йил 29 октябр
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

Обод маҳалла йилида «Mahalla»ни ўқиб

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 302 - кун

2
- Бахмал боғларини кезганда...
- Ҳикоят ва ҳақиқат...

3
- Таваккал тилаклар...
- Насиҳат учун ... зарба.

4
- Гилам ўғриси ўта «тадбиркор» экан.
- Ал-Бухорийнинг устози ад-Доримий

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва биродарона истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Аллоҳ азза ва жалладан ушбу ойни қут-барака ойи қилишини, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига бахт-саодат, Ислом умматига шон-шуҳрат, юксалиш ва зафарлар ато этишини сўрайман. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат этгувчидир.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз
Икки муқаддас масжид ходими
Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд,
Саудия Арабистони Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истакларимни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Аллоҳ азза ва таолодан ушбу ойни қут-барака ойи қилишини, Сиз, Жаноб Олийларига сиҳат-саломатлик, халқингизга фаровонлик, Ислом умматига шон-шуҳрат ва зафарлар ато этишини сўрайман. Дарҳақиқат, Аллоҳ эшитгувчи ва ижобат этгувчидир.

Камоли эҳтиром ила,
Биродарингиз
Шаҳзода Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,
Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари, Миллий гвардия қўмондони

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунлигимни изҳор этаман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига ва бизнинг буюк Ислом умматимизга доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан,
Муҳаммад Ҳусний Муборак,
Миср Араб Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Қутлуғ Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман.

Ушбу муборак ойда Аллоҳдан Сизга, дўст Ўзбекистон халқига ва барча мусулмон аҳлига давомий тараққиёт ва равнақ ато этишини сўрайман.

Абдуллоҳ Иккинчи,
Иордания Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Рамазони Шариф ойи кириб келиши муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи номидан Сизга, Ўзбекистон ҳукумати ва биродар халқига самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳ мусулмон умматига ўз раҳматларини ато этсин ҳамда уни тараққиёт ва фаровонлик йўлига бошласин!

Маъмун Абдул Қаюм,
Мальдив Республикаси Президенти

Учкўприк тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман «Нуроний» жамғармаси бўлими учун ҳашар йўлида янги бино тикланди. Бу ерда фахрийлар учун барча шароитлар яратилган. Улар бу ерда вақтларини кўнгилли ўтказишлари, турли учрашувлар ва гурунглар уюштиришлари мумкин. Айни пайтда тумандаги 18 минг нафар фахрийларнинг 138 нафари уруш ва меҳнат фахрийлари, 160 нафари 80 ёшдан, 22 нафари эса 100 ёшдан ошган кексалардир.

Суратда: «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ҳошимжон Расулов (ўнгдан иккинчи) уруш ва меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ОҚСОҚОЛ танбеҳ беради:

"Mahalla" газетаси номидан «оқсоқол» кўпгина маҳалла ва қишлоқларида бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, савоб ишларга қўл ураётган юртдошларимизга ОЛҚИШ айтиб, ҳалигача истиқлолимизни ҳис қилмаётган баъзан ноўрин иш қилаётган кишиларга ТАНБЕҲ бериб келади.

«ИМТИЁЗ» ЧИМИЛДИҚДА ҚОЛГАН ЭМИШ...

...“Собир Раҳимов охирги бекат. Вагондан чиқаётганда буюмларингизни унутманг!” Оқсоқол нарсаларини қўлига олиб, вагондан чиққан ҳам эдики, бир ёш йигит келиб унинг юкини қўлидан олди:

- Отахон, бу юкингиз сизга оғирлик қилади, менга беринг, ёрдам бераман.

Улар метро станциясидан чиқишганида ёмғир шивалай бошлаган эди. Ташқарида ғала-ғовур, чақириқлар авжида: “Жиззах, Самарқандга борувчилар - бу ёққа”, “Урганч, Хива, Қарши... марҳамат”, “Чимкент, Туркистон...” Чақирувчиларнинг овози микрофонсиз ҳам қулоқни қоматта келтирарди.

- Бу шовқин нима ўзи, болам?

- Булар хусусий такси, маршрутка, автобус қатновининг “реклама”чилари. Уларнинг машинасига ўтирсангиз ярим йўлга боргач, фалон сўм берасиз деб туриб олишади. Тушиб қолишнинг иложи йўқ, айтганини олади. Уларда на инсоф бор, на билет.

- Булар бизга тўғри келмайди, ўғлим. Касса орқали билет берадиган, график билан қатнайдиган автобуслар бекатига бошла.

Улар ёмғирда ивиб қолишдан чўчиб, С.Раҳимов номли метро станцияси тепасидаги бекатдан Жиззах тарафга кетаётган автобусларга билет олиб, Гулистонда тушиб қолишни режа қилдилар. Афсуски, кассадагилар Гулистонгача билет сотилмаслигини, Тошкент бош бекатидан Гулистонга кетадиган алоҳида қатнов борлигини айтишди.

Улар ёмғирда шалоббо бўлганларича бош бекатга кириб боришди. 8-кассахонага мурожаат қилиб: иккита билет беринг, биттаси имтиёзли бўлсин... Гаплари тугамасдан рус тилида жавоб қайтарилди:

- Автобус йўқ, улар пахтага олинган, қачон келиши номаълум.

- Ана холос. Кўчанинг нарига бетида бир автобус Гулистонга чақирятти. У сизларга тегишли эмасми?

Билет сотувчи навбатчини чақириб, оқсоқолга қулоқ тутинг, деди. Навбатчи бориб билиб келди-да, у хусусий автобус экан, бизнинг автобусимиз келиши гумон, ўша автобусга бора қолинглар, деди.

Отахон ёрдамчиси билан гиламни қўлтиқларига қисиб, яна орқага қайтишди. Айни пайтда ёмғир роса кучайди. Икки кўчадан ўтиб, автобусга етай деганларида, у жўнаб кетди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас яна бир хусусий автобус “реклама”чиси одамларни чорлай бошлади. Бу сафар Гулистонга борувчилар кўпчилик эди. Чорловни эшиттач, ҳаммалари автобусга югуришди. Улар ортидан чол билан бола ҳам оёғини қўлига олишди.

- Манзилингизга элтиб бераман. Пулини тўласангиз бас, - деди ҳайдовчи.

- Розиман, болам, розиман. Хусусий автобусларда имтиёзларнинг бўлмаслигини ҳам биламан.

- Қаранг-а?! Бобойми, момойми автобусга чиқса, алмисоқдан қолган даптарчасини кўрсатиб, “имтиёз” дейишади. Сиз ҳам имтиёз дейсиз-а отахон. Имтиёз борми ҳозир? Имтиёз ўша даврларда “чимилдиқ”да қолган ...

Манзилга етгач, оқсоқол тегишли кишиларга насиҳат қилишни, айримларга танбеҳ беришни лозим топди:

Масъулиятсиз ва чиптасиз юраётган бу хусусий транспорт қатнови қачон тартибга киради?

Азизлар, аввало барча турдаги ҳайдовчилар ҳам йўловчилар ҳам ўзлари учун ўрнатилган тартиб қоидаларга қатъий риоя қилсалар, яхши. Ёш болалар ва аёллар, кексалар ва ногиронлар, уруш қатнашчилари давлатимиз ижтимоий ҳимоясидан ва сизу бизнинг илтифотли сўзларимиздан баҳраманд бўлсин. Кўзлаган манзилларига соғ-омон етиб олишсин. Ана шунда улар сиз-у бизларни тўй-у, байрам ва рўзаи-рамазон дастурхонлари устида дуо қилишади. Ўзгаларга қилган беминнат хизматингиз асло беҳуда кетмайди. Кўрсатган мурувватингиз, эзгулигингиз албатта ўзингизга қайтади.

Оқсоқол сўзларини оққа кўчирувчи А.РАҲИМҚУЛОВ.

«Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири якунланди

«Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири якунландиЎзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан анъанавий турнир сифатида ўтказиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири йилдан йилга янада бойиб, ундаги миллий кураш баҳслари ёнига белбоғли кураш ҳам қўшилди ва ҳар ики турда ҳам ушбу йилги баҳслар якунланди.

Мусобақаларда Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республтика Миллий ва Белбоғли кураш Федерациялари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси каби ўнлаб давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлик қилдилар.

Турнинг барча босқичларида 400000 дан ортиқ ўғил болалар, қизлар ва фахрийлар иштирок этишди. Финал босқичлари пойтахтдари «Жар» спорт майдонида бўлиб ўтди.

Миллий кураш бўйича умумжаҳон ҳисобида биринчи ўринни Қашқадарё вилояти жамоаси, иккинчи ва учинчи эса Сурхондарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон республикаси жамоалари қўлга киритдилар.

Ўтган ҳафтада Белбоғли кураш мусобақаларининг ҳам финал баҳслари бўлиб ўтди. Кўптина вазнларда ғолибликни қўлга киритган наманганликлар умумжамоа бўлиб биринчи ўрин соҳиби бўлишди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти жамоасига, учинчи ўрин Фарғона вилояти жамоасига насиб этди.

Мухбиримиз.

ТАДБИРКОР ОҚСОҚОЛГА СИЙЛОВ

Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилиб, анъанага айланган бир неча йўналишлар бўйича ўтказилган кўрик-танловда қатнашган Янгийўл шаҳридаги Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мелибой Солихов ғолиблардан бири бўлган эди. У «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» деб тан олинган эди.

Давоми 2-саҳифада

Суратда:Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.ГАДОЙБОЕВ кўрик-танлов ғолибини тақдирламоқда

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

Жиззах вилоятининг Қозоғистон билан чегарадош Мирзачўл туманида юз берган бу воқеа айримларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

● Эл рискига хиёнат

«КАРВОН» ҚЎЛГА ТУШДИ

«Туркистон» ширкат хўжалиги томонидан кетма-кет келаётган кажавали беш мотоциклл божхона пости назоратчиларининг эътиборини тортди. Улар «карвон» йўлини тўсиб чиқди.

Мотоциклчилардан бири божхонани четлаб ўтиш ҳаракатига тушди.

Бироқ шошганидан рулни бошқаролмай қолди ва... ағдарилган мотоцикл эгасини босиб қолди. Оғир аҳволда шифохонага келтирилган Н.Синдоров ҳаётдан кўз юмди.

Маълум бўлишича, ушбу гуруҳ аъзолари Арнасой тумани «Хоразм» хўжалигида яшовчи бир шахсдан қўшни республикага ўтказиб сотиш мақсадида, 2,5 тонна пахтанинг килограммини 100 сўмдан сотиб олган экан.

Осон пул топиш йўлига кирган бундай «эпчиллар» Жиззахда ягона эмас. Хусусан, Мирзачўл туманининг Абай номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Ғ.Эшимовнинг трактор тиркамасига ортилган 400 килограмм пахтанинг устига маккажўхори поясини босиб чегарадан олиб ўтмоқчи бўлаётганида ҳийласи фош этилди.

Қозоғистоннинг Махтаарал туманида яшовчи Т.Ботиров,

А.Ботиров, К.Синдоров ва Ж.Лабилаев эса 500 килограмм пахтани отга ортиб чегарадан ўтказмоқчи бўлаётганида, божхоначиларга рўбарў келди. Т.Қушаев эса 250 килограмм пахтани эшакка ортиб бораётганида қўлга тушди.

Энди улар қонун олдида жавоб беради.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи:148
Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтаримайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

Эшмурод аканинг ишлари... Оқсоқол дегани... Яна ҳикоят ҳақида.

ХАЛҚАРО



ХАЁТ

КАЛИФОРНИЯ ЎРМОНЛАРИ ЁНҒИНДА ҚОЛДИ

АҚШда табиий офат юз берди. Ўтган шанбада Калифорния штатининг жанубий қисмидаги ўрмонда кучли ёнғин чикди. Ҳозирча уни жиловлашнинг иложи бўлмаяпти.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларда айтилишича, табиий офат оқибатида ўн олти киши қурбон бўлган ва саккиз юздан ортиқ турар жой биноси ёниб кетган. Ёнғин ҳозир бир юз йигирма минг гектарга яқин майдонни қамраб олди.

АҚШ президенти Жорж Буш Калифорния штатининг Сан Бернадино, Вентура, Лос Анжелес ва Сан Диего округларида фавқулодда ҳолат жорий қилди. Ёнғинга қарши кураш учун беш мингга яқин ўт ўчирувчи ва кўплаб техника сафарбар этилди. Сан Бернадино округи ҳудудидаги ёнғинни ўчиришда эса С-130 ҳарбий самолётлари ҳам қўлланилмоқда.

Маҳаллий ахборот маҳкамаларининг хабар қилишича, мавжуд саккизта ёнғиндан биронтасини ҳам ўчиришнинг иложи бўлмаётир. Мутахассислар ҳозиргача давом этаётган қуруқ ва жазирама об-ҳаво ёнғиннинг кучайишига сабаб бўлаётганини таъкидламоқда.

Бундай об-ҳаво шароитида дарахтлар ва ўтўланлар жуда тез аланга олади. Штат бўйлаб муттасил эсиб турган Санта Энн шамоли эса ёнаётган ҳудуднинг кенгайишига сабаб бўлаётир.

Айни вақтда ҳукумат вакиллари ёнғин сабабини аниқлаш юзасидан тергов ишларини бошлаб юборган. Дастлабки тахминларга қараганда, офат одамларнинг ўрмонда гулхан ёқиши оқибатида юзага келган. Ҳозирча ёнғин келиб чиқишига айблор деб гумон қилинаётган бир овчи ҳибсга олинди. У ўрмонда адашиб қолиб, гулхан ёққан.

Ҳалокат кўп одамларни уйларини тарк этиб хавфсиз ҳудудларга кўчишга мажбур қилмоқда. Ҳозиргача саксон мингга яқин киши ўз уйини ташлаб кетди. Қутқарув марказларида минглаб одамлар тўпланиб қолган.

Сан Диего округида эса АҚШ федерал авиация идорасининг парвозларни бошқариш радиолокацион маркази ҳам хавфсиз жойга кўчирилди. Бу эса авиация парвозларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қуюқ тутун Калифорния штатининг баъзи халқаро аэропортларидаги парвозларни ҳам тўхтатиб қўйган.

Калифорния штати Мексикага чегарадош. Шу боис Мексиканинг Қуйи Шимолий Калифорния штатида ҳам фавқулодда ҳолат жорий қилинган. Хабарларга қараганда, Мексика ҳукумати асосий эътиборни Тихуана шаҳрига қаратган. Чунки қўшни мамлакатдаги ёнғин айнан ушбу шаҳар томон ўрмаламоқда.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Андижон вилояти

● Шахсий фикр: Оқсоқолликка сайловлар олдидан

Маҳалланинг ҳуқуқий мақомини асослашга, бошқарув тизимида ўрни, жамоат ташкилоти сифатида нуфузини кўтаришга давлат даражасида катта аҳамият берилаётгани ҳолда, тегишли ваколатларни уларга топшириш масаласида ечимини кутиб ётган муаммолар оз эмас...

ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА БИРИНЧИ ТАЛАБ

Нима учун шундай? Бунинг учун аввало маҳалла оқсоқоли ташаббускор, фидойи, билимли, мустақил фикрлайдиган бўлиши керак. Баъзи жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларини "ёшартириш" масалаларига эътибор қилишяпти. Албатта, ёшлар келажагимиз, уларга ишониш, уларни тайёрлаш ва тарбиялаш керак. Маҳалла оқсоқоллигига сайланган ёш кадр маънавий қиёфаси баркамол, ташкилотчи, ташаббускор, ҳуқуқий ва сиёсий билими етарли бўлсаку нур устига нур. Агар акси бўлиб чиқса, унда бу маҳаллада иш юришмайди. Яна шуни айтиш керакки, маҳалла раисларининг баъзилари ўз ҳуқуқ ва ваколатларини билишмайди. Ташаббус билан ишламай, юқоридан буйруқ кутиб ўрганиб қолишган. Ана шундай кайфият афсуски, баъзан айнан ёш кадрларда ҳам учрамоқда. Энг ачинарли ҳолат шуки, газета ўқиш, маҳаллага оид чиққан қарорлар, қонунларни чуқур ўрганишга лоқайдлик билан қаралади. Ташаббускорлик хислатлари суст бўлган раислар тез-да ўз обрўсини йўқотиб қўймоқда.

Избоскан туманидаги Овул маҳалласи фуқаролар йиғинига ширкат хўжалигида узоқ йиллар тракторчилик, бригадирлик қилган Кенжабой Назаров маҳалла раиси бўлди. Ўрта маълумотли, аммо ҳаётий тажрибаси бор Кенжабой дастлаб маҳаллани ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳаракат бошлади. Маҳалла ёшларининг бошини қовуштириб сув минораси ўрнаттирди. Бир йил ичидаёқ эл-юрт учун, ҳеч қандай маошсиз фаолият кўрсатган нафақадаги Кенжабой маҳалладаги электр энергияси таъминоти муаммоларини ҳам ўрнига қўйди. Туман ҳокими И.Собиров ҳам, қишлоқ фуқаролар йиғини собиқ раиси Э.Мажидов ҳам амалий ёрдамларини аямади, унинг ташаббус билан ишлаб маҳалладаги бу ижтимоий муаммоларни ҳал этганлиги учун миннатдор бўлдилар. Янгиқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдухолиқ Мажидов ҳам аслида пенсионер. У раис бўлган кунидан маҳалла "паспорти" ни яратишга киришди. Ҳозир маҳалланинг ҳар бир хонадони, фуқароси унга беш қўлдек аён. У томорқасидан унум билан фойдаланаётган деҳқон хўжаликлари ишини оммалаштириш учун маҳаллада семинар ўтказиш, вилоятлардаги энг тиришқоқ деҳқон хўжаликларининг иш тажрибаларини маҳаллага жорий қилиш учун интиляпти.

- Маҳалланинг фаровонлиги, учун ҳамма омиллардан фойдаланишимиз керак, - дейди у. Шулардан келиб чиқиб айтмоқчиманки, маҳаллада иш яхши юриши учун оқсоқолликка номзодлар албатта ҳаётий тажриба орттирган, меҳнатсевар, мулоҳазали, ташаббускор, муҳими маънавий баркамол, сабр-тоқат билан фаолият кўрсатадиган фидойи кадрлар бўлиши керак деб ўйлайман.

Республикамизда ўтаётган ислоҳотлар жараёнида иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳам бўлиши табиий ҳол. Фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши, уларни баъзи ишларда сарсон этиш каби ҳолатлар ҳам учраши мумкин. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари аввало фуқаролар ҳуқуқини адолатли равишда ҳимоя қилиш борасида фаолият олиб борса ёмон бўлмайди. Ҳуқуқий идораларга фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишини сўраб якка тартибда мурожаат этганидан кўра бу борадаги муаммони маҳалла йиғинига мурожаат этиш билан ҳал этган маъқул. Бу маҳалла нуфузини ошириш, фаоллигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Айтайлик, маҳалла фуқароларидан кимлардир ноҳақдан, туҳматдан ёки қайсидир ғараз ниятда уюштирилган тазйиқ орқали айбланаётгандир дейлик. Ўз маҳалласининг фуқаросини беш қўлдек биладиган маҳалла оқсоқоли ва фаоллари - уларни ноҳақдан жазоланиб қолмасликлари учун чуқур масъулият билан қайғуришлари зарур. Шунингдек, маҳалла энг ишончли жамоат назорати масканига ҳам айланиши керак. Тадбиркорлар, тижоратчилар, ижарага транспорт ҳайдаб пул топаётганлар ва шу каби фаолият билан шуғулланаётганларнинг қонун-қоидалар асосида иш юритишларини ва тегишли бўлган давлат солиқларини ўз вақтида тўлаб туришлари борасида виждон назоратини қилиб туришлари керак. Чунки жойларда "қуён" бўлиб тўловларни тўлашдан ўзларини олиб қочаётганлар маҳалладан қочишолмайди.

Эндиликда маҳалла оқсоқоли ва унинг фаоллари ўз фаолиятларининг энг муҳим жиҳатлари билан тараққиётга, ватанимиз қудратини оширишга ҳисса қўшишга эътибор беришлари керак. Кўпроқ уларнинг фаолиятлари қоғозларда эмас, амалий ишларда кўринса, ана шунда маҳалла яна ҳам қонун устуворлиги, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги олиб борилаётган ислоҳотларда ўз ўрнига, нуфузига эга бўлади.

Йўлдош ИСОҚЖОНОВ.



Тошкент вилояти

(Давоми, аввали 1-бетда)

ТАДБИРКОР ОҚСОҚОЛГА СИЙЛОВ

Ҳудудда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги маданий, маиший хизмат шохобчалари қуриш, ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаётгани туфайли у ана шу номга сазовор бўлди.

Суратда: маҳалла оқсоқоли М.Солихов фаоллар билан навбатдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Сурхондарё вилояти

● Мактаб, маҳалла, оила

ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

Туман халқ таълими бўлими Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 360-сонли, шу ҳақдаги вилоят ва туман ҳокимларининг қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор амалий ишларни бажарди. Бўлимда "Вояга етмаганлар ишлари бўйича" гуруҳ тузилиб, унинг аъзолари туман ҳокимлиги ИИБда ташкил этилган комиссия билан ҳамкорликда бир қатор умумтаълим мактаблари, ота-оналар, ўқувчилар ва маҳалла оқсоқоллари иштирокида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш, диний ақидапарастлик ва терроризм ишларига қарши кураш мавзуларида суҳбатлар ўтказилди.

Бу тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида ўқувчилар орасида биронта жиноят содир бўлмади.

Мактаб ўқувчиларининг диний экстремистик оқимлар таъсирига кириб қолишлари олдини олиш бўйича тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Айниқса "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" дарслари юксак маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мавзусига бағишланди.

Шунингдек, "Республикада гиёҳванд моддаларни ғайри қонуний айланишига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари" борасида тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Шу асосда таълим муассасаларида ўтилаётган "Одобнома" (1-4 синф), "Ватан туйғуси (5-6 синф), "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7-9 синф), Адабиёт, Одам ва унинг саломатлиги ўқув фанлари таркибида махсус дарс соатлари ажратиш ва унда гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида ўқувчиларга тушунча бериш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий билимини, маданиятини ошириш мақсадида "Гиёҳвандлик - умр заволи" шиори остида мунозаралар, савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Ёшлар тарбиясида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва уйғунлашишида мактабгача тарбия муассасалари — боғчалар фаолияти муҳим ўрин тутади. Янгиланиш жараёни бошлангандан буён мактабгача таълимга бўлган илгаригидек тор тушунча барҳам топиб, бу ишларни давлат ташкилотлари, ҳомийлар, ота-оналар иштирокида кенг миқёсда олиб бориш йўлга қўйилди.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтларини беҳуда ўтказмаслик ва ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик мақсадида мактабларда ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида турли тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Туман халқ таълими бўлими тизимида 4 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, 2001-2002 ўқув йилида 1625 нафар ўқувчи мазкур муассасаларга жалб қилинди. Шунингдек, 55 та мактабда жами 2180 та тўгарак мавжуд бўлиб, 36100 нафар ўқувчи мазкур тўгаракларга жалб қилинган.

6-мактабнинг "Адолат" жамоаси эса ҳуқуқий билимларни яхши ўзлаштириб "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят финал босқичида фаол иштирок этдилар ва 12 нафар иштирокчи ҳам Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашнинг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Ўқувчилар "Китобхон" кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли 1-ўринни олишга эришдилар.

Ўқув йили давомида таълим муассасаларида катта қизиқиш ва эътибор билан ўтказиб келинаётган ҳар бир байрам ва тадбирлар, айниқса, "Мустақиллик куни", "1-кўнгироқ", "Ўқитувчи ва мураббийлар куни", "Она тили байрами", "Конституция куни", "Ватан ҳимоячилари куни", "Охирги қўнғироқ" ҳамда Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур ва бошқа буюк алломаларимизнинг таваллуд топган саналарига бағишлаб ўтказилган тадбирлар маънавий-маърифий ишларининг яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ўқув йили бошидан вилоят халқ таълими бошқармасидан кредитга китоблар олиб мактабларга тарқатдик, ота-оналар ўз мактаблари кутубхонасидан китобларни сотиб олишларига имконият яратдик. Бу долзарб ишда вилоят ҳокимининг "Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш ҳақида"ги фармойиши катта ёрдам бўлди.

Ж.НОРМУРОДОВ,
Жарқўрғон тумани халқ таълими бўлими мудири.

Жиззах вилояти

● Уйғоқ қалб эгалари

Бугун «Маҳалла» жамғармаси Бахмал тумани бўлинмаси раиси сифатида маҳалла маркази қурган Эшмурод аканинг бунгача яратган боғ-роғлари минг гектардан ортиқ.

У БАХМАЛДА БОҒ ЯРАТГАН

Бино фундаменти, яъни тамал тоши мустаҳкам бўлса, у бино узоқ яшайди. Эшмурод ака битта бинонинг эмас, бир қанча биноларнинг - Бахмал туманидаги С.Айний номидаги, Ойқор, «Нурли қуёш» хўжаликларининг таъмал тошини қўйганлардан. Бу хўжаликларга илк раҳбар бўлиб, сўнг уларнинг гуллаб-яшнашигача бошқош бўлган. Унинг Бахмал водийсида яратган боғ-роғи минг гектардан ортган. Эндиликда бу водийдаги минглаб гектарларда фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб, юрт фаровонлигини таъминламоқда.

Айни кунда Эшмурод ака Аҳмедов яратган боғлар айни ҳосилга кирган. Сиз Бахмал олмаси таърифини кўп эшитгансиз, балки Жиззахдан Самарқандга ўтишдаги йўлларда кўргазмага териб қўйилган кўзни қамаштирувчи оқ, қизил, сариқ қирмизи олмаларга кўзингиз тушиб, ҳавасингиз келган бўлса ажабмас. Бахмал олмалари мамлакатимизнинг барча бозорларида, ҳатто чет элларда ҳам ўзининг ранг-баранглиги, ширинлиги, узоқ сақланиши билан донг тараттан.

Бахмал тоғларидан кон чиқмади-да дейишарди. Яратган ҳам аслида Бахмал водийсини «Бахмал олмаси» кони учун асраб қўйган экан. Бахмал «Олма-кон» бўлди. Албатта бу кон ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади. Унинг ўз яратувчилари бор.

Эшмурод Аҳмедов қишлоқ хўжалиги техникаси, иқтисоди бўйича олий маълумот олгач, «Бахмал-эксперименталь-тажриба» хўжалигида бош иқтисодчи, хўжалик директори ўринбосари вазифаларида ишлаган йиллари ҳосилсиз, бекор ётган Туркистон тизмасидаги минглаб гектар адир ва қирларга сув чиқариб, боғ-роғ барпо этишни ўйларди. Айтишларича, боғ барпо этишга астойдил киришишига, ўзи туғилиб ўсган Оққўрғон қишлоғидаги «Зулфонариқ» сабаб бўлган. Қишлоқ дарё сувидан ҳийла баландда, қир бағрида жойлашган. Зулфон исмли киши шу қишлоққа биринчи бўлиб ариқ қазиб сув чиқаргани учун, бу ариқ - «Зулфонариқ» деб аталган. Эндиликда бу ариқ уч-тўрт қишлоққа сув етказиб бермоқда. Эшмурод ака ҳам Бахмалда биринчи бўлиб катта майдонларда боғлар яратди.

Бахмал олмалари республикамиздаги кўпгина хонадонларга етиб бориб аҳоли дастурхонини безамоқда. Эшмурод ака Аҳмедов 1984 йилдан туман қишлоқ хўжалиги бошқармасига бошлиқ, район Агрохимтаъминот ҳиссадорлик жамияти раиси вазифаларида муваффақиятли равишда ишлади. Ўтган йилнинг 14 ноябридан бошлаб туман Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Эшмурод ака ишни ҳашар йўли билан маҳалла маркази қуришдан бошлади. Ташландиқ қолган бино бир ярим ой мобайнида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Марказ қурилишига барча маҳалла аҳли баҳоли қудрат ёрдам қилди. Бинодаги кутубхона, билярдхона, дам олиш хоналари барча жиҳозлар, шарт-шароитларга эга бўлди. Марказ атрофига турли-туман мевали, манзарали дарахтлар ўтқазилди. Волейбол ва теннис майдончалари ишга тушди. Эзгуликка, савоб ишларга чорловчи шиорлар ёзилди. Яқинда маҳалла чойхонаси ҳам ишлай бошлади. Туманда 14 та маҳалла, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини, бешта шаҳарча бор.

Суратда: «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси котибаси Дилфуза Мирзаева «Маҳалла маркази»даги кутубхонада кексаларга хизмат кўрсатмоқда.

Эшмурод ака Аҳмедовни эндиликда туман оқсоқоли дейишади. Ҳақиқатдан ҳам кўпчилик у кишига маслаҳат сўраб мурожаат қилади. Чунки у тумандаги ҳаётни, одамларни яхши билади.

Қишлоқларда кўпчилик лой ва пахсадан уй-жой қуришади. Эшмурод ака махсус чизилган лойиҳа асосида пишган ғишт ёки тошдан уй қуришни тавсия қилди ва биринчи бўлиб ўзи бошлаб берди.

Оқсоқол айни кунларда «Mahalla» газетасининг ҳақиқий мухлиси.

- Газетада обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофотлари эълон қилингани, айни муддао бўлди, - дейди оқсоқол. - Қаранг-а, компьютер жамламаси, рангли ва оқ-қора телевизорлар, яна таҳририятнинг махсус мукофотлари бор экан. Бу янгиликни бўлинма жамоасига, маҳалла раисларига, оқсоқолларга етказганимда туманимиз камида иккита мукофотни олиши лозим деган таклифни айттанимда улар яқдиллик билан маъқулладилар. Ҳозир обуна давом этяпти. Ўтган йили қайси маҳалла шу газетага обуна бўлган бўлса, ўша жойда Обод маҳалла йили дастури муваффақиятли амалга ошириляпти. Ахир Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгашининг, «Маҳалла» жамғармасининг иш фаолияти, уларнинг барча кўрсатмалари фақат шу газетамиз орқали етказиб бериляпти-ку. Қолаверса, «Mahalla»ни ўқиган муштарий ҳафталик янгиликлардан, Обод маҳалла йилидаги бунёдкорлик ишларидан, меҳру-саховат кўрсатаётган ажойиб кишилар ҳаётидан хабардор бўлишади. Маърифий ва маънавий қадриятларимизни чуқурроқ англайди. Энг муҳими, маҳалланинг кўп қиррали ҳаётидаги янгиликлардан баҳраманд бўлади.

Шунинг учун ҳам жамғарма раиси Эшмурод Аҳмедов маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда ҳеч бўлмаганда таҳририятнинг иккита мукофотини олишга ҳаракат қиляпти.

Оқсоқол фақат «Mahalla»ни эмас, бошқа нашрларни ҳам, айниқса, бадиий адабиётларни кўп ўқийди.

Ташқаридан қараган киши уни икки университетнинг доимий тингловчиси дейиши мумкин. Булардан бири атрофдаги инсонлар ҳаёти бўлса, иккинчиси вақтли матбуот ва китобдир. Бу университетлар оқсоқолни ёшликда қилган орзусига етказди. У 7 фарзанд отаси, қатор набиралар бобосидир. У шогирдларига ўта меҳрибон, дўстларига вафодор. Ҳа, оқсоқол бунёдкорлиги, халқпарварлиги, тийран назари, салоҳиятта етакловчи илми билан юрт фахрига айланди. У ҳамон уйғоқ қалб эгаси, у ҳамон изланишда.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ.

КЕЙИНГИ СОНДА:

ТАВСИЯЛАР

Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ўринда қандай ташкилий ишлар бажарилади ва улар нимадан бошланиб, қандай якунланади. Келгуси сонда бу тадбирни ўтказиш йўл-йўриқлари ҳақида тавсиялар эълон қиламиз.

Муносабат ▶ га муносабат: «Агар илмингиз етмаса...» 2003йил, 15 октябр

ИЛМ ВА ИЖОД - БЕПОЁНДИР

Газетанинг 2003 йил 15 октябр сонида "Муносабат" рукни остида Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво ҳайъатининг "Агар илмингиз етмаса..." сарлавҳали мақоласи босилди. Унда газетанинг шу йил 24 сентябр сонида босилган "Ривоятлар ва ҳикоятлар" деб номланувчи китобимдан олинган айрим парчаларга доир фикр-мулоҳазалар баён этилганди.

Бундай юқори мартабали, табаррук идоранинг бу кичик-кичик асарларга эътибор қилиб, улар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириши ғоят қимматлидир, илло Диний идорамиз, муҳтарам уламолар томонидан айтилган гаплар ўлкамиздаги барча мусулмонлар қаторида мен учун ҳам мўътабар ва мақбулдир. Мусулмонлар идораси фатво ҳайъатининг юқоридаги мақоласини ҳам ана шундай холис, илмий-ижодий маслаҳат сифатида жон-дил билан қабул қиламан. Унда "Ривоятлар ва ҳикоятлар" китобимнинг "Илк илоҳий муждалар" бобига кирувчи ҳамда газетада босилиб чиққан "Шиш пайғамбарнинг жумбоғи", "Имонлилар кемаси", "Балони билган шайтон" каби ҳикоятларда йўл қўйилган айрим ноаниқликлар хусусида танқидий фикрлар билдирилган. Мен бу фикрларнинг аксариятига қўшиламан ва айтилган ўринли маслаҳатлар учун ҳайъат аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Шу билан биргаликда масалага тўлароқ ойдинлик киритиш учун қуйидагиларни айтиб ўтишни истардим. "Ривоятлар ва ҳикоятлар" китобимга кирган кичик, ибратли ҳикоятлар гарчи улар қадимлардан қолган ривоятлар, нақллар, турли манбаларга асосланиб ёзилган бўлса-да, улар том маънода ривоятлар бўлиб, мукаммал маълумот, ҳужжатлик даъвосини қилмайди. Чунки бу ҳикоятлар бадиий-маърифий услубга оидлиги боисидан уларда маълум даражада адабий-ижодий мушоҳада, бадиий тўқима ва ўхшатишлар мавжуддир. Менинг бу битикларим ҳам соф диний-илмий йўлда эмас, бадиий-ижодий шаклда ёзилгандир. Шу сабабли уларда ёзувчи сифатидаги ўз фикр-туйғуларимни, бадиий мушоҳада ва хулосаларимни акс эттиргганман, барча илмий манбаларни кўрсатиш, диний хулосалар чиқаришни ўз олдимга мақсад қилиб қўймаганман. Шу боисдан айрим ҳикоятларда мавжуд факт ва маълумотларни ўзимча талқин қилган бўлишим мумкин. Масалан, "Шиш пайғамбарнинг жумбоғи" ҳикотида пайғамбарлардан бири ҳақида ҳикоя қилинади. Бунда мен ҳам биздан олдинги мавжуд манбалардан фойдаланганман. Бу зотнинг исми айрим манбаларда Шис деб берилса "Таврот"да Сиф, Алишер Навоийнинг "Лисонут-тайр" асарининг бизнинг даврдаги нашрида эса Шиш деб келтирилади. Унинг дунёга келиши ҳақида эса: "Шишнинг топти вужуди чун вуқуъ" (Шиш пайғамбарнинг вужуди шакланди") тарзида берилади (Алишер Навоий, "Лисонут-тайр", Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 23, 273-бетлар) ҳамда бу мисрага берилган изоҳда "шишада уруғлантирилган илк сунъий инсон" деган маълумот келтирилади (Шу китоб, 119-бет). Ҳикоятни ёзишда шу гапларга асосланганман. Албатта, бу баҳсли маълумотдир, шу боисдан ҳам мен ҳикоят давомида бу фикрга қўшилмасдан "ростдан бўлганми экан?" дея шубҳа билдириб ўтган эдим. Аммо мақолада ана шу ўринга эътибор берилмабди.

Инсон тафаккури, илму ижод бепоёндир, одамзод яшар экан олам сирларини билишга, унинг моҳиятига етишга интилаверади. Ҳақиқат эса изланиш, баҳс-мунозараларда очилади. Муборак Қуръони Каримда қайта-қайта марҳамат қилинганидек фақат ягона Оллоҳ билгувчидир.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,
ёзувчи.

● Орденли оқсоқоллар

«ЎРМОНЧИЛАР»НИНГ АЗАМАТИ

Фарғона вилояти

Азаматжон Йўлдошев Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиалида ишлаган даврида колхоз-совхозлар учун кўплаб етук агроном ва зооинженер мутахассислар етишиб чиқишига ўз ҳиссасини қўшган инсон. Вилоят халқ таълими бошқармасида етакчи мутахассис бўлиб ишлаган йиллари мактабларда ўқув-тажриба участкаларини ривожлантириш, билим билан амалиётни узвий боғлаб ўқитиш ташаббускори ҳам бўлган.

Ундаги ташкилотчилик қобилиятини кўрган маҳалладошлари 1993 йили ўзларига жамоатчилик асосида оқсоқол этиб сайлашди. 1997 йили у пенсияга чиқди. Шу йили Фарғона шаҳрида Ўрмончилар маҳалла фуқаролар йиғини янгидан ташкил топди. Маҳаллага эл-юрт ишига камарбаста А.Йўлдошев расман раис этиб сайланди. Ўша пайтда маҳаллада гузар у ёқда турсин, ҳатто идора учун бино ҳам йўқ эди. Раис дастлабки пайтларда ўз уйини идора қилиб ишлади.

Азаматжоннинг елиб-югуриши билан қисқа вақт ичида маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга бўлди. "Фарғона-Водил" йўли бўйида шинам гузарча ҳам барпо этилди.

Бугун бу маҳаллага келган киши унинг чиройига кўриб ҳавас қилади. Марказий кўчага тунги чироқлар ўрнатилган. Катта йўл бўйлаб анвойи гуллар ифор сочади. Йўлнинг икки четида пиёдалар учун қўшимча кичик йўлаклар барпо этилган.

Обод маҳалла йилининг эрта баҳорида йўл бўйларига минг тупдан ортиқ мевали, кўплаб манзарали ва гул кўчатлари ўтқазилиб, кўкартириб олинди. Ҳозирги пайтда ҳар бир оила ўзининг мевали боғига эга. Боғлардаги шиғил-шиғил узум, анор, беҳию олмалар кўзни қамаштиради. Аксарият хонадонлар тоза ичимлик суви, газ, электр қуввати билан таъминланган телефон тармоқлари ишлаб турибди. Бу ишларни амалга оширишда раиса маҳаллада яшовчи Аҳмадулло Рустамов, Толибжон Абдусаломов, Солижон Усмонов, Тўрахўжа Обидов сингари фидойи инсонлар елкадош бўлдилар.

Маҳалланинг энг катта ютуғи - бу ерда ўқимай, ишламай юрган бекорчи ёшларни учратмайсиз. Чунки маҳаллада хусусий тадбиркорлик яхши йўлга қўйилган. Мавзуржон Қорабоев дурадгорлик цехи очиб, эшик, ром, мебеллар ишлаб чиқаряпти. Муҳаммаджон Турдалиевнинг кичик корхонаси эса автомобилларни таъмирламоқда. "Турсунохун" фирмаси (бошлиғи Мўминжон Матрўзиев) "Ўрмончи" савдо растаси ва маиший хизмат устахоналарини очиб, фуқароларнинг узоғини яқин қилди. Александр Фофуровнинг "Феррум" фирмаси табиий газ учун ГРП, горелкалар ва бошқа ускуналарни ишлаб чиқараётир. Баҳодиржон Тўйчиев эса вилоят мактабларини арзон бўр билан таъминлаяпти. Исомиддин Йўлдошев автомобилларга ёғ қуйиш шохобчасини қуриб ишга туширди. Юқоридаги тадбиркорлар ёрдамида маҳалладаги ишламай юрган 55 киши иш билан таъминланди.

Маҳалла ёшлари шаҳар ва вилоят миқёсидаги турли тадбирларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқда. Бу ерда икки йилдан буён аълочи-иқтидорли ўқувчилар учун стипендия таъсис этилган. Ўқув йилини "аъло" баҳолар билан якунлаган ўқувчилар алоҳида рағбатлантирилади. Янги ўқув йилидан қўшимча яна иккита стипендия жорий этилди. Бу стипендия маҳаллада яшаб ўтган, унинг ободлиги эл-юрт тинчлиги, осойишталиги учун умрларини бахшида этган собиқ ҳарбий хизматчи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, марҳум полковник Собир Охунов ва собиқ милиция подполковниги, марҳум Абдувоҳоб Ашурматовлар номига таъсис этилган бўлиб, уларга энг иқтидорли, ҳарбий ва милиция ишига қизиққан спортчи болалар сазовор бўладилар.

Болалар спортини ривожлантириш маҳалла аҳлининг энг долзарб ишига айланган. Спорт иншоотлари учун Ўрмон хўжалигидан бир гектар ер олиниб, футбол, волейбол, қўл тўпи, теннис майдончалари қуриб ишга туширилди. Бу ишнинг ташаббускори оқсоқол, педагог-тарбиячи Дилшод Сабирдинов, посбонлар сардори Неъматжон Хўжаев бўлди.

Яқинда маҳаллада маънавият хонаси, кутубхона учун бино қурилиб, ишга тушди. Уни қуришга 3-автокорхона маъмурияти бош-қош бўлди.

Маҳаллада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Ҳозирги кунда 400 га яқин болалар қўшни маҳаллалар ҳудудидаги мактабларга қатнаб ўқийди. Ҳеч бўлмаганда бошланғич синф ўқувчилари учун мактаб очиш зарур. Қолаверса, Қорасув участкасида ичимлик суви, транспорт ва бошқа коммунал хизматлар таъминотини йўлга қўйиш энг долзарб масала бўлиб турибди. Тиниб-тинчимас раис шу кунларда бу муаммоларни тезроқ ҳал қилиш ҳаракатида. Шу боис уни тез-тез Фарғона шаҳар ҳокимлигида, бошқа идораларда учратасиз.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрами арафасида Ўрмончилар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Азаматжон Йўлдошев Юртбошимиз Фармонига асосан мамлакатимизнинг "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди. Шунингдек Республика миқёсидаги "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли" танлови голиби бўлди ва муносиб тақдирланди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Юртимиз корхоналарида



СУРАТДА: «Тоштўқимачи» ОАЖ тасарруфидаги 2-тўқув фабрикасининг калавалаш цехи ишчиси Ирода Эргашева ёш бўлишига қарамасдан меҳнатсеварлик ва фидойиликда касбдошларига ўрнак бўлмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Олам турфа

УЗУМ ЕБ, "МАСТ БЎЛДИ"

Айтишганича бор экан, узум вино меваси, деб. Бўлмаса, 30 ёшли Арью полиция қўлига тушармиди.

Воқеа бундай бўлганди: Исроилнинг Хацев шаҳрилик ҳайдовчи Арью Бемберт кечқурун бир оғайнисининг уйига кирди. У ерда ғарқ пишган узумдан тўйганича еди. Сўнг йўлга чиқди. Йўлда эса полиция тўхтатди ва ичиб олиб машина бошқаргани учун... Арью бўлса, "арақ у ёқда турсин, ҳатто пиво ҳам ичмаганман" дея ишонтиришга роса уринди, қасам ичди, ҳақиқатан ҳам у ичмаган эди. Лекин полиция барибир жазолади. Чунки тиббий асбоб Арью ичганлигини исботлаб, тўғрироғи, тасдиқлаб турарди.

Кейин маълум бўлишича, Арью истеъмол қилган узум ошқозонда тез бижғиган ва винога айланган. Натижада Арью бироз сархуш бўлган.

3 КИЛОЛИК АРИ УЯСИ

Нижегород вилоятининг Держинск шаҳрида бир киши уйига кириш ва чиқишда қийналаётганидан таъмирлаш хизматига мурожаат этди.

Таъмирлаш хизмати ходимлари дарвоза бурчагидаги улкан ари уясини кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолишди. Ундаги сон-саноқсиз ариларни айтмайсизми? Бир амаллаб хизматчилар уй соҳибини "душман"дан халос этишди. Уя роппароса 3 кило чиқди.

РУЛДА - ИЛОН

Колумбиянинг Маракайбо шаҳрида илон туфайли марказий кўчада автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолди. Серҳаракат кўчаларидан бирида кетаётган машина олдидаги машинага бориб урилган ва натижада ҳаракатни тўрт соатгача йўлга қўйиб бўлмаган.

Мигель Урданет деган киши ўз машинасида кетаётиб, елкаси оша нимадир сирғалиб тушаётганини сезиб қолган. Бу узунлиги уч метрлик заҳарли илон экан. Ҳайдовчи эсанкираб тез кетаётган машинанинг эшигини очгану, ўзини кўчага отган. Рулга илон чирмашиб олган машина эса йўлда давом этиб, светофорда тўхтаб турган машинага бориб урилган. Зудлик билан чақирилган ўт ўчирувчилар командаси "қоида бузар"ни зўрга тўрт соатда машинадан суғуриб олишган.

Тошкент шаҳри

Олов - хавфли ёв

ОСОЙИШТАЛИК ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Ота-оналаримиз ҳар доим Сиз-у бизни бирон бир сафар ёки ишга жўнатар эканлар: «Болагинам, сени яратганнинг ўзи «қуруқ туҳматдан, бемаҳал ўлимдан, ўт ва сув балосидан асрасин» дея дуо қиладилар.

Кўпинча ёнғинларнинг келиб чиқишига асосан аҳолининг эътиборсизлиги сабаб бўлади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан таклиф этилган қоидаларга амал қилиш ёнғиндан сақланишнинг энг тўғри ва осон йўлидир. Афсуски, ҳамиша ҳам шундай йўл тутавермаймиз. Натижада кўнгилсиз ҳодисалар рўй бериб туради. Масалан, жорий йилнинг 9 ойида Мирзо Улуғбек туманида 130 та ёнғин содир бўлган. 3 нафар кишининг умри бевақт хазон бўлди, 8 нафар киши тан жароҳати олди. Етказилган моддий зарар 1370051 сўмдан зиёдни ташкил этди.

Ёнғинлар газдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, маст ҳолатда сигарета чекиш, носоз ҳамда «қўлбола» электр ва газ асбобларини ишлатиш, ёш болаларнинг гугурт ўйнашлари, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларини ишлатганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик натижасида содир бўлган.

Айтайлик, ёниб вайрон бўлган уй-жойларни йиллар давомида тиклаш имкони бўлар, бевақт хазон бўлган умрларини ким қайтараркан?

Ёнғиннинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш барчамизнинг вазифамиз ва бурчимиздир.

Б.МИРЗАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ назоратчиси.

С. ЗУФАРОВ олган сурат.

Навоий вилояти Қизилтепа тумани марказида Обод маҳалла йили муносабати билан гўзал бир масканнинг —маҳалла гузари фойдаланишга топширилди. Ушбу масканни бунёд этишда ака-ука Нуриддин, Содиқ ва Асад Ҳабибовлар бош-қош бўлишди. Масканда 600 кишига мўлжалланган тўйхонадан ташқари аҳолига 20 турдан ортиқ маиший хизмат кўрсатувчи шоҳобчалар бор.

СУРАТДА: Гузар чойхонасида гурунг қизғин.

● Обод маҳалла йили тадбирлари

Дунё болалар нигоҳида

Республика болалар бадиий ижоди марказида ёш рассомларнинг кўргазмаси очилди. Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўргазма Обод маҳалла йилига бағишланган.

Кўргазмада намойиш этилган 40 ортиқ расмларда Ватанимиз манзаралари, маҳалла ҳаёти, бахтли болалик, ёш авлоднинг орзу ва истаклари акс эттирилган. Болаларнинг дунёни ўзига хос тарзда идрок этиши кўргазмага ташриф буюрганларни бефарқ қолдирмади.

Э.Ҳолиқов,
ЎзА мухбири

Андижон вилояти

● Қулайлик

2 ХОНА ЎРНИГА 5 ХОНА

Андижон шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудидаги Баландчек маҳалласида йиғин раиси Анваржон Ҳайитбоев ташаббуси билан ибратли ишлар амалга оширилди. Туман ҳокимлиги ва шаҳарча фуқаролар йиғинининг ёрдами туфайли ҳудуддаги қаровсиз қолган бино қайта таъмирланиб, 2 та ўрнига 5 та хона ташкил қилинди. Йиғин раиси, котиби, "Маънавият ва маърифат" хонаси, педагог-тарбиячи, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси хоналари қайта жиҳозланди. Шу кунларда маҳаллада Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга оид турли тадбирлар ўтказиляпти. Уларни ташкил этишда Абдуваҳоб Усмонов, Маҳаммаджон Асронов, Сотволди Раҳимов, Ёқутхон Мамажонова каби фаоллар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА.

● Турмуш чорраҳаларида

ТИЛАНЧИНИНГ ТИЛАГИДА МАЪНО БОРМИ?

Яхшилик ва эзгуликни қалбига жо қилганлар кўпнинг олқиш ва ҳурматига сазовор бўладилар, элнинг эъзозида файзли турмуш кечирадилар. Ҳаётда учрайдиган қизиқ воқеалар кўп вақтгача хотирадан чиқмайди.



Ботиржон тушлик вақти етгач, одатига кўра ошхонага отланди. У ошхона хизматчисига ош буюрди. Хизматкор енг шимариб ишга киришди. У Ботиржоннинг олдига ош, тўғралган помидор салати ва бир чойнак чой келтириб қўйди. Шу пайт кутилмаганда стол атрофидаги бўш ўриндқларга 14-15 ёшлардаги икки ўспирин келиб ўтиришди. Қўлларида дарсликлар солинган мактаб сумкаси борлиги уларнинг ўқувчи эканликларини англатиб турарди.

Ўқувчилар жойлашиб ўтириб олишгач, хизматкорга юзланишди. Гап нимада эканлигини ҳис қилган ошхона хизматчиси дарҳол уларнинг олдига келди.

- Паловингиз неча пул туради?

- Бир кишилик ош 700 сўм, - жавоб берди хизматчи.

Болалар «ялп» этиб бир-бирига қарашди. Сўнгра тортинчоқлик билан «Бор-йўғи 500 сўм пулимиз бор, шунга яраша ош берасизми» деб сўрашди. Ошхона хизматчиси бунга рози бўлиб уларнинг олдига ош келтириб қўйди. Буни кузатиб турган Ботиржон ундан иккита пиёла беришини илтимос қилди. Пиёла келтирилгач, чой қуйиб болаларга узатди. У ёқ-бу ёқдан гурунг бошланди. Орадан кўп ўтмай ошга «пашша» тушди...

Ошхонага кириб келган қаландарсифат дарвеш чўзиб-чўзиб қўшиқ хиргойи қилишни бошлади. Қўшиқ-ки, унда на маза, на матра бор. Бироз муддат қаландар ўзининг «маҳорати»ни намойиш этиб, кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб қилди. Кейин ўтирганлардан хайр-эҳсон йига бошлади. У ҳар бир кишига яхши тилаклар билдирар, «Олганингиз олтин бўлсин» деб дуога қўл очарди. Ниҳоят Ботиржонлар ўтирган столга гал келди. Иштаҳа билан ош ейишга киришган Ботиржон тепасида турган қаландарсифат одамнинг олдида қўлини артиш учун чўнтакларидан даструмолини излай бошлади. Ёғ юқи қўли билан 100 сўм пулни ҳалиги қаландарга узатди. У эса мамнун қиёфада фотиҳага қўл очаркан, тилакларини изҳор айлади:

- Худо хайрингни берсин, болам, бирингга минг қўшилсин. Топган-тутганинг ҳаммаси мана шу қора кўзларнинг тўйига кетсин!

Ботиржон не деярини билмай ҳайрон қотиб қолди. Унгача дарвеш ҳам бошқа тарафга қараб юрди. Ўриндиқларда ўтирган икки бола бир-бирига қараб пиқ-пиқ кулишар, «боплади-я» дегандек Ботиржонга зимдан қараб қўйишарди. Ботиржон вазиятдан чиқиб кетиши учун гапни ҳазилга туриб юборди.

- Тўй бўлганмисизлар, шоввозлар?

- Ҳа, суннат тўйимиз ўтган, - дейишди болалар кулимсираб.

- Ундай бўлса уйланиш тўйларингга пул тўплашга ҳаракат қиламан. Ахир тиланчи қария шундай деб тилак билдирди-ку.

Шу тилак баҳона бўлди-ю, Ботиржон болалар билан яқиндан танишиб олди...

Ҳаётимизда бундай воқеалар жуда кўп рўй беради. Гоҳо тиланчилар, гоҳо қаландарсифат дарвешлар, баъзан ичишга муккасидан кетган ароқхўрлар юртдошларимизни ана шундай хижолатли ҳолатга солиб қўйишади. Ачинарлиси шундаки, бундай воқеалар кўпинча ошхонада овқатланаётганингизда юз беради. Бундай пайтда иштаҳангиз бўғилиши аниқ. Чунки тепангизга келиб турган тиланчи ёки дарвеш токи чўнтагингиздан пул чиқмагунча нари кетмайди. Унинг тилаклари шунчалик кўпки, тинглайвериб сиз зерикмасангиз, айтавериб у чарчамайди.

Одамларга билдирилган яхши тилак ижобат бўлишини ҳамма ҳам хоҳлайди. Бироқ таом тановвул қилинаётганда биров сизга халақит берса кўнглингизда хиралик пайдо бўлади. Тиланчилик билан шуғулланаётган бундай одамларни ранжитишга кўнглингиз бўлмайди. Бунинг устига агар хайру эҳсон қилмасангиз, ёмон тилаклар айтиб кетишдан ҳам тоймайди баъзилари. Ўйламай тилак билдириш оқибатида бировларнинг кўнглини ранжитиш, қалбига озор бериш, эски ярасига туз сепиш кўнгилсиз ҳодисаларни ёдига солиши мумкин. Тўғри, тиланчига бу гапларни уқтириб бўлмайди. Устига-устига уларнинг борлиги фақатгина бизнинг юртимизга хос ҳолат эмас, иқтисодий жиҳатданривожланган юртларда ҳам тиланчиларнинг мавжудлигига шоҳидмиз. Ҳарҳолда кори-ҳайрга ихлос қилганлигимиз учун ҳам Ботиржон каби тиланчининг дуоси асосида яхши ишларни ният қилиб қолаётган юртдошларимиз кам эмас.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ.

● Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

ЎҒРИ ЕНГИДАГИ ПИЧОҚ

...Валижон узоқ тунни уйқусиз ўтказди. Жон қойитмай пул топиш, «беш кунлик дунё»да кайф-сафони жойига қўйиш йўлини излади. Режалар тузди. Илгари судланиб қамоқхонада ётганда тажрибали «устозлари» дан олган панд-насиҳатларини бирма-бир эслади.

уни фош қилишга уринган оқсоқол танасига қадалди

Хўш, ишни нимадан бошламоқ керак? «Аввало айтганингни икки қилмайдиган, чизган чизиғингдан чиқмайдиган, сенга ҳеч қачон панд бермайдиган йигитлардан шериклар топиш керак», деди ўзига ўзи.

Унинг қармоғига биринчи Холмамат Ёрбозоров «илинди». У яримтани ўртага қўйиб Холмаматни роса авради. Аввал «босаётган қадами хавфли, бекордан-бекорга жувонмарг бўлмайлик» деб турган Холмамат «икки юзта» ни отгач «аканг қарағай бу ишларни қойиллатади» деб мақтаниб қолди. «Иш» учун яна шериклар керак эди. Гуруҳга Косон туманидаги «Чироқчи» фермерлар уюшмасида яшайдиган ҳеч қаерда ишламайдиган Улуғбек Маманов, Исомиддин Маматқулов каби такасалтанглар қўшилишди.

- Ишларимиз енгил кечмайди йигитлар, - деди Валижон шерикларини хушёрликка чорлаб. - Ишимиз пухта, оғзимиз маҳкам бўлса, марра бизники.

Дастлаб улар Косон шаҳрига келиб Сарипул бозори олдида турган юк машинасини ҳайдовчиси билан 45000 сўмга ёллашди.

Валижон кечаси роппа-роса соат 12 да Холмаматни уйғотди. Исомиддин ҳам дарҳол белгиланган жойга етиб келди.

- Энди гап бундоқ жўралар, - деди Валижон шерикларига бирма-бир кўрсатма бериб. - Улуғбек шу ерда, асфальт йўлда қолади. Биз Тўра Қўнғировникига борамиз. У анчадан буён ҳўкиз боқиб юрибди. Соғин сигири ҳам бор.

Белгиланган жойга келиб атрофни синчиклаб текширишди. Ҳаммаёқ жимжит, хонадон соҳиблари ширин уйқуда. Валижон девордан ошиб, дарвозани очди. Учовлон ичкарига кириб эҳтиёткорлик билан молларни ечиб, асфальт йўлгача етаклаб келишди. Сўнг машинага ортиб, «Чиял» бозори қайдасан, деб йўлга отланишди. Вақт ғанимат, ўлжаларни тезроқ пуллаш керак. Моллар бозордагидан анча арзонроқ эмасми, харидор ҳам дарҳол топила қолди. Ўғрилар 440 минг сўмни чўнтакка уриб бу ердан зудлик билан қуён бўлишди. Иш бунчалик тез, соз битганидан ўғриларнинг оғзи қулоқларида эди. Дастлаб нариги бозорга ўтиб, «Чиял»нинг яхна гўшти билан «яримта»дан туширишди. Қолган пул ўртада ҳар кимнинг хизматига қараб тақсимланди.

... Чироқчи маҳалласида очилган биллиярдхона бу ердаги бекорчилар учун маскан бўлиб қолди. Исталган пайтда келиб «ҳордиқ чиқариш», маслаҳатлашиш, қимор ўйнаш мумкин. Ўз навбатида бу ер чойхона, ошхона вазифасини ҳам ўтайди. Ичимликнинг истаган тури топилади.

Валижон бу ерга бироз кайф ҳолда келди. Биллиярдхона бошлиғи Эшонқул Худойбердиевнинг қулоғига ниманидир пичирлаб кийни олиб, Анвар Мардонов билан ўйинга тушди. Дарҳол ўзига хос давра қурилиб, стол усти қизилу оқ ичимликлар билан безатилди. Ҳам биллиард ўйини қизиди, ҳам ичимликнинг кети узилмади. Кутилмаганда хонага Чироқчи маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Бекмирза Саодатов кириб келди. Аҳволни кўриб ўз вазифасига кўра уларни тартиб, инсофу диёнатга чақирди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқиб турган Валижонни чеккага тортиб алоҳида насиҳат қилди.

- Нима, мен сиздан нон-ош ёки беш сўм сўраяпманми, аравамни ўзим тортиб юрибман. Насиҳатингизни бола-чақаларингизга қилинг, — баланддан келди Валижон.

- Аввало сендақа ёшларни тўғри йўлга бошлаш менинг вазифамга киради. Бирор кори-ҳол рўй берса бутун қишлоқ иснодга қолади. Қолаверса сен билан туман ИИБнинг мавзе вакили қизиқаяпти. Бирор зарур гапи бўлса керак.

Оқсоқол ичкарига кириб кетди. Валижоннинг жони ваҳимага тушди, хаёлини турли ўй-фикрлар чўлғаб олди. «Оқсоқолнинг ишларимиздан хабари бор шекилли. Милицияга бекорга чақиришмайди. Шуларни бир титкилаб, танобини тортиб қўйинглар деб ўзи айтган.

Ёлғиз қолган Валижон нималарнидир фикр қилиб, «дунё топган тентакдек» югуриб кетди. Кўп ўтмай енг ичида рўзғорда ишлатиладиган пичоқ билан пайдо бўлди. Оқсоқолни имлаб ташқарига чақирди. Унинг ғараз ниятидан мутлақо хабарсиз оқсоқол унинг ҳузурига чикди. Ўғри «сенми ҳали менга насиҳат қиладиган, йўл кўрсатадиган» дедию кутилмаганда оқсоқолнинг қорнига пичоқ санчди. Чинқираган овозни эшитган биллиардхонадаги йигитлар ташқарига отилдилар. Иккинчи бор тиғ уришга шайланган ўғри мақсадини амалга ошира олмай, пичоқни улоқтириб жафтакни ростлади. Оқсоқолга тез ёрдам кўрсатилиб, касалхонага жўнатилди. Шифокорларнинг астойдил саъй-ҳаракатлари туфайли унинг жони омон қолди.

...Жиноий ишлар бўйича Қашқадарё вилояти суди биносида бўлиб ўтган судда адолатли ҳукм чиқарилди. Валижон Бобобеков 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Мол ўғрилари Холмамат Ёрбозоров, Улуғбек Маманов, Исомиддин Маматқуловлар ҳам ўз айбларига иқрор бўлдилар ва қилмишларига яраша жазо олдилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Мозийдан дарак

УЛКАН ХУМ

Жиззах туманининг Ўрта Сўлоқли қишлоғида яшовчи Ихтиёр Донабоев томорқасида ишлаётиб, улкан хумга дуч келди.

Қазиб олинган хумнинг баландлиги салкам икки метр, айланаси эса бир ярим метрдан зиёд эди. Хум ичидан гўдак суяклари чиқди. Ёнидан эса катта ёшли одам жасадининг қолдиқлари топилди.

Самарқанд археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаевнинг айтишича, зардуштийлик одатига кўра, илк ўрта асрларда майит хумга солиб дафн этилган. Бундай идишлар эса «остадон» деб аталган.

Топилма Жиззах вилояти Ўлкашунослик музейи экспонатлари қаторидан ўрин олди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Тарихдан тарикдек...

Юртимизда ислом дини VIII асрнинг биринчи чорагидан бошлаб қарор топган. Мана шундан кейин ярим аср ўтар-ўтмас заминимизда исломий илмларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлга қўйилди, дунёвий илмлар билан бир қаторда диний илмларга ҳам алоҳида эътибор берилди. Шу илмлар жумласидан айниқса ҳадис илми алоҳида аҳамият касб этиб, тез фурсатда бу илм соҳасида кўплаб йирик олимлар машҳур бўлдилар.

Улардан Абу Ҳафс ал-Кабийр ал-Бухорий, Абу Ҳафс ал-Сағийр ал-Бухорий, Муҳаммад Абдуссалом ал-Пойкандий, Муҳаммад ал-Маснадий, Абдурраҳим Абдурраҳмон ад-Доримий, ас-Самарқандий, Исмоил ал-Бухорий (имом ал-Бухорийнинг отаси) ва бошқа кўплаб олимларни кўрсатиш мумкин. Ҳадис илмида олтин аср ҳисобланган IX асрда эса жумлаи жаҳонга донғи кетган имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом ан-Насоий каби буюк муҳаддислар яшаб, пайғамбар алайҳиссаломнинг саҳиҳ - энг ишончли, тўғри ҳадисларини тўплаб бебаҳо асарлар яратдилар. Мовароуннаҳр ва Хуросон заминидан чиққан олти буюк муҳаддислар ал-Бухорий (810-870), Муслим ибн ал-Ҳажжож (819-874), Абу Довуд ас-Сижистоний (817-880), ат-Термизий (824-885), Ан-Насоий (830-915) ва ибн Можалар (824-886) яратган саҳиҳ ҳадислар тўпламлари ислом дини таълимотида Қуръони Каримдан кейинги муҳим асосий манбаъ ҳисобланади. Бинобарин, ўз мазмун-моҳияти жиҳатидан бу бебаҳо ёдгорликлар умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақоламизда диёримиздан чиққан икки буюк муҳаддис ҳақида мухтасар ҳолда маълумотлар келтирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН - БУЮК МУҲАДДИСЛАР ВАТАНИ

Имом ад-Доримий

Имом ад-Доримийнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандий бўлиб, у 181 ҳижрий (798 мелодий) йилда Самарқанднинг Дорим номли мавзеида таваллуд топган. Ад-Доримий дастлабки билимни ўз отаонасидан, сўнгра эса Самарқанднинг кўзга кўринган олиму фузалоларидан олади. Ёшлигидан исломий илмларни, айниқса, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларини астойдил ўрганади. Ундан кейин ўша даврда одат тусига кириб қолган таомунга кўра Шарқнинг илм-фан ва маданияти тараққий қилган марказлари, жумладан Хуросоннинг турли шаҳарлари, Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Макка ва Мадина шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширади. Мазкур шаҳарларда жуда кўп муҳаддислар билан мулоқотда бўлиб, илмий мунозараларда қатнашади. У ўз илмий-ижодий фаолияти даврида кўп таниқли олимларга устозлик ҳам қилади. Жумладан, буюк муҳаддис имом ал-Бухорий ҳам имом ад-Доримийдан ҳадислар бўйича сабоқ олгани ҳақида баъзи ёзма манбаъларда зикр қилинади. Имом ад-Доримий 255 ҳижрий (869 мелодий) йилда Самарқандда вафот этади. Имом ад-Доримий қаламига мансуб бир қанча асарлар борлиги манбаларда қайд этилса-да унинг номини машҳур қилган асари - ҳадислар тўплами - "Сунан ад-Доримий" (асар баъзан "Муснад ад-Доримий") деб ҳам юритилади. "Сунан ад-Доримий"ни кўпчилик олиму уламолар томонидан энг ишончли ҳадисларни ўз ичига олган олти ишончли тўпламлардан (ас-сиҳоҳ ас-ситта) кейинги даражада туриши имом ад-Доримий асарининг нақадар буюк манбаъ эканлигига далилдир. Бу асар 1996 йилда Байрутда (Ливан) икки жилдда нашр этилган.

(Давоми бор.)

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Турвак қишлоғига борсангиз, "Монитор" жарроҳлик шифохонасига йўлингиз тушиши(ишингиз тушмасин ҳам, илойим) тайин. 25 ўринли, ҳовлиси гуллар билан тўлган бу жарроҳлик шифохонаси республикада биринчи хусусий жарроҳлик шифохонаси бўлиб, 1997 йилдан ишга тушган.

«БЕМОРЛАР КАМАЙСА ХУРСАНДМИЗ»

Шифохонада асосан ошқозон, ичак, жигар, ўтпуфак йўлларида жарроҳликка эҳтиёжи бор беморлар даволанади. Табиийки, бир инсоннинг умри сақлаб қолиниши нафақат даволанган беморнинг, балки унинг қавму қариндошлари, ёру биродарларининг ҳам кўнгиллари хотиржам бўлишига олиб келади. Шу ўринда ушбу касалхонада операциядан чиққан онахонлардан бирининг фарзанди Поп шаҳар "ОТАЖ" Деҳқон бозори бошқарув раиси Илҳом Сирожиддинов ҳам шундай дейди:

- Раҳматли онам бетоб бўлиб қолганларида қаратмаган шифокор қолмади. Ахийри, чиқмаган жондан умид деб, Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги "Монитор" хусусий жарроҳлик шифохонасига олиб келдим. Шифохона бош шифокори Акром Қодировнинг билим, малакалари туфайли онамнинг ҳаёти сақланиб қолинди. Бундан қувонган онамнинг ҳам, менинг ҳам юзимизни севинч ёшлари ювиб турар эди. Онам ундан кейин қанча вақт ҳаёт кечирган бўлсалар, шунча пайт Акромжон акани дуо қилиб ўтдилар.

Бу миннатдорчиликларни эшитган камтар шифокор шундай дейди:

- Жамоамиз аъзолари у даражада кўп бўлмасада, 2 та олий тоифали, 2 та 1-тоифали жарроҳлар сидқидилдан хизмат қилиб келаяпти. Шифохонамизда дардига даво топганлар қанча кўп бўлса, биз шунча қувонамиз.

Бош шифокор ҳақиқатдан ҳам камтар эканми, қолган гапни қишлоқдаги маҳалла фуқароларидан билиб олдик. Эшитишимизча, шифохона ходимлари Обод маҳалла йили дастурини амалга оширишда чеккада қараб турмасдан шифохона жойлашган ҳудуддаги маҳалла учун янги электр подстанция қуриб беришда ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшишибди. Бундан ташқари улар Учкўприк туманининг 18-умумий ўрта мактабида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига ҳам ёрдам бериб туришаркан.

Муқим АҲРОР.



Айни кунда қўлида копток тутмаган, рақиб жамоани мағлуб қилишни орзу қилмаган маҳалла ўспиринини топиш мушкул. Боларнинг футболга қизиқишига ҳар йили Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» турнири ҳам сабаб бўлмоқда.

Р.ГАЛИЕВ
олган сурат.

Маҳалла ҳангомалари

«НАҚД ТЕКИНГА ТУШГАН ГИЛАМ»

Қуриб кетгур телесериаллар нуқул жонга бало, ҳаммани ўтирган жойига михлаб, ипсиз боғлаб қўяди. Оиланинг бутун каттаю кичиги телевизор ўрнатилган хонада. Қани бировга ортиқча гап айтиб кўрингчи. «Жим, жағингни тий» дейди опа укасига. «Бирпас сабр қилинг, ичарсиз ўша чой ўлгурни кейинроқ» деб даг-дага қилади хотин чойнакни олиб кел деган эрига.

Шундай пайтда ташқарида боғлоғлиқ кучук тўхтовсиз вовиллаб қолса денг. Ҳовлида биров ғимирлаб юргандек бўлди. Ўз хонасида бетоб ётган қайнона ҳатто бир неча бор «Тирик жон борми, қаранглар-ов» деб бақирди. Ким ҳам қимирларди, сериалдаги бош қаҳрамоннинг тақдири ҳал бўлаётган айни пайтда. Ўрнидан турадиган, ташқарига қарайдиган аҳмоқни топиб бўбсиз.

Ниҳоят онасининг безовталиги Салимжонни сергак торттирди. Дарвоза томон чиқса қўлида ўроғлик қалин гилам кўтарган киши типирчилаб турибди. У уй эгасини кўриб шошиб қолди.

- Ҳе камбағаллик қурсин, - деди у тимирскиланиб Салимжонга, - бирор кунимга ярар деб қўйган гиламимни сотишга мажбур бўлдим. Қўшниларингизга учрадим, йўқ керак эмас, дейишди. Шу гиламни олинглар, яхши кунларингга ярасин, яхшилар, арзон бераман.

- Бизга ҳам унча зарурати йўқ эди.

- Асил мол қачон зарар қилибди, бир ўйлаб кўринг. Ярим нархига бўлса ҳам розиман.

Шу пайт кино тугаб, келинпошша ҳам ташқарига чиқиб қолдилар.

- Ким у, нима иши бор экан?

- Ҳа, манави кишининг сотадиган гилами бор экан, арзон гаровга бераман деяпти.

«Арзон гаров» деган сўз хотиннинг миясига «гуп» этиб урилди. У гиламни кўришга шошилди.

- Вой эски-ку.

- Қаёқда эски янга. Икки ҳафта бўлди олганимга. Зарур бўлмаса сотадиган матоҳ эмас эди.

- Ҳай майли, неча пул сўраяптилар?

- Йигирма минг дейдилар.

- Йигирма мингга тахи бузилмаганини берадику, бозорда. Арзонроқ қилсангиз оламиз, 10 минг.

- Сал инсоф билан сўрангда, янга.

Анча тортишувлардан кейин гилам 12 мингга келишилди.

- Ўзи пулга зориқиб турган пайтимизда нима қиласан, хотин? Пулни қаёқдан оласан?

- Топаман. Олтин ҳалқа оламан деб йиғиб қўйган пулимдан ишлатаман, - деди хотин эрининг қулоғига энгашиб, - берса нақд текинку, дадаси.

- Майли, олақолинглар, пулга муҳтож бўлмаганимда тенг ярим баҳосига бермас эдим.

Хотин гиламни эрига қўлтиқлатиб уйга кирди. Уни ёзиб қадимий нусхадаги Хоразм гилами ҳозир анча ноёблиги, бир ой илгари ўттиз минг сўмга олинганидан сира қолишмаслиги ҳақида лаби-лабига тегмай бидирларди.

- Меҳмонхонадаги гиламимиз билан ҳасан-ҳусан бўлади. Оҳ-оҳ буни иккинчи томонга қоқсак хона тағин ҳам очилиб кўзни қувонтиради.

Хотиннинг сабри чидамади, уни ҳозироқ қоқишни мўлжаллаб тўнғичини миху болтага жўнатди. Узун-калта бўлиб меҳмонхонага киргач ҳаммаларининг эслари оғди. Деворга қоқилган гиламнинг ўрни бўм-бўш эди.

Бутун оила дод солиб кўчама-кўча югуришди. Аммо гиламини эгасига пуллаб кетган «Ўғригина бола»нинг на ердан, на кўкдан топилмагани ҳақида дув-дув ғап бир пастда бутун маҳаллага тарқалди.

Э.ҚУРБОНОВ.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларни жиддий, шу билан бирга чалкаш масалаларни бартараф этишга бағишласангиз асло хато қилмайсиз. Уларни орқага суришдан наф йўқ.

СИГИР(22.0420.05)

Бир пайтлар кўрсатган беминнат ёрдамингиз айни кунларда сизга бир неча баробар ортиқ бўлиб қайтиши мумкин. Шу туфайли моддий манфаатдор ҳам бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Шу кунларда бир нечта муаммолар тиғиз бўлганига қарамай, соғлиғингиз учун ҳам вақт ва маблағ ажратинг. Бу кейинги фаолиятингиз учун жуда муҳим.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Шу кунларда нима учундир дангасалик деган иллат сизни тарк этмаяпти. Шу туфайли бир қанча юмушларингиз битмай қолади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишга қарор қилган бўлсангиз, кутилмаган харидлар қилишга тўғри келишини ҳам ҳисоб олиб қўйинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Қолган ишга қор ёғар деганларидек, иссиқ кунларда бажарилиши керак бўлган юмушлар эндиликда жуда муҳим ишларни орқага суриши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Катта миқдордаги маблағни бекорга совурмай десангиз, турли кўнгилочар давралардан йироқроқ бўлинг. Шу кунларда хотамтойлик сизга хос.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳамкасбларингизга нисбатан ортиқча талабчанлик қилганингиз ҳеч қандай самара бермайдию, лекин бундан сизнинг обрўйингизга путур етиши тайин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Касбий фаолиятингизда кутилмаган ижобий ўзгаришлар юз беради. Раҳбариятнинг шу кунларда сизга ўта ҳариҳоҳлиги бунга сабаб бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Янги режалар тузишда оила аъзоларингиз ва фарзандларингиз фикрига қулоқ тутинг. Шу кунларда сизга жуда яхши таклифлар бўлиши мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)

Яқин кунларда моддий манфаатдор бўлиш эҳтимоли йўқлиги учун вақтинча бу соҳада жиддий тадбирлар қўлламай турганингиз маъқул.

БАЛИК (19.02-20.03)

Бордию яқин кунларда сизнинг шаънингизга танқидий фикрлар билдирувчилар кўпайса, билингки, ишларингиз ёмон эмас. Фақатгина сизга ҳасад қилувчилар бор, холос.

Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат департаменти томонидан 2000 йилда Байналминал жангчиларнинг оилаларини ижтимоий муҳофаза қилиш жамиятига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Табриклаймиз!

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

«Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани бўлинмаси раиси Туркманбий ЎРОЗБОЕВнинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этади. Унга сиҳат-саломатлик, мазмунли умр, ишларига муваффақият тилайди.

Андижон вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси Аминжон СОЛИЕВНИ таваллуд куни муносабати билан қизғин табриклайди. Унга тансиҳатлик, фаолиятида омадлар тилайди.

СИЗ ХАРИД ҚИЛДИНГИЗ!

Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат)сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҚОНУНИДАН

Обуна-2004

•Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla • Mahalla •

Ф. МТ-1

АБОНЕМЕНТ Mahalla газета журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) | Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.н. жойи — 148 (нашр кўрсаткичи)

Mahalla (нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм | Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар таҳририятга тақдим этилади.

ТАҲРИРИЯТ



АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Сизнинг ўз газетангиз—«Mahalla»га Ўзбекистоннинг ҳар бир жойида алоқа бўлимлари, киосклар, хуллас, «Матбуот тарқатувчи» АКнинг ҳар бир тармоғидан обуна бўлишингиз мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Mahalla

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), **Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда КОСИМОВА** (бош муҳаррир ўринбосари), **Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди КУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.**

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

2 3 4 5 6

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4946 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-923 Топширилди—